



Савол:

Гарб дунёсига мансуб кўшиқ ёки мусика тингласа бўладими?

Жавоб:

Кўшиқлар эшитиш харом ва мункар иш. У калбларнинг касаллиги, корайиши ва уни Аллохнинг зикридан ва намоздан тўсиш сабабларидан. Ахл илмларнинг кўпчилиги куйидаги оятдан мурод кўшиқ деб тафсир қилганлар; «Одамлардан баъзилари беҳуда гапларни сотиб оладилар» (Лукмон: 6). Абдуллох ибн Масъуд - розияллоху анху- «беҳуда гап кўшиқдир» деб Аллох номига касам ичарди. Кўшиқ рубоб, гижжак ва ногора каби мусика асбоблари билан бўлса харомлиги янада каттиқроқ бўлади. Баъзи уламолар мусика асбоблари билан бўлган кўшиқнинг харом эканига ижмоъ қилинганини зикр қиладилар. Демак кўшиқ эшитишдан эҳтиёт бўлиш керак. Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан саҳиҳ ривоят билан накл қилинган ҳадисда дедилар: «Менинг умматимдан зинони, ипакни, арокни ва мусикаларни ҳалол қилиб оладиган қавмлар бўлади» Абдулазиз ибн Абдуллох ибн Боз (роҳимауллох).

Юқоридаги фатводан келиб чиқиб айтамыз: Мусика ва кўшиқлар гарбники, ўзбекларники ва хоҳ арабларники бўлсин барчаси харом. Дунёда саодат, охиратда нажот излаган кимса қуръон тиловати ва уни тинглаш билан машғул бўлсин.